



ЎЗБЕКИСТОН
ЎЗЛІДЕР
LIBERAL-DEMOKRATİK PARTİYASI

Газета 2004 йил
1 январдан чика бошлаган

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATİK PARTİYASI NASHRI

Сиёсий
имтиҳон
арафасида

Тарозининг
қай бир
палласи офир?

Етакчи
куч

2014 йил 22 май, пайшанба, 20 (548)-сон

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

ХАБАРЛАР

Корхона фаолияти кенгаймоқда

Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш, хусусий сектор вакиллари кенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида Навоий вилоятида 200 та кичик бизнес субъекти, барча молиялаштириш манбалари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали 122 та янги ишлаб чиқариш объекти ишга туширилгани ҳам ана шу эътиборнинг самарасидир.

Зарафшон шаҳридаги «Евроноти» хусусий корхонасида ишлаб чиқарилаётган 14 турдаги макарон маҳсулотлари юқори сифати ва арзонлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. Замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган корхона соатида 150 килограмм маҳсулот тайёрлаш қувватига эга.

— Фаолиятимизни кенгайтириш ва ривожлантиришда банкдан олинган 160 миллион сўмлик кредит муҳим аҳамият касб этди. — дейди корхона раҳбари Жамшид Хидиров. — 2013 йилда иш бошлаган корхонамиз маҳсулотларига талаб ортмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида аҳолига 11 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди. (ЎзА)

Ёшлар ва маънавият

Бугунги мураккаб замонда миллий менталитетимизга ёт ғоялар, ёшларимизнинг онги ва қалбни эгаллашга қаратилган гаразли хуружлар тобора кучайиб бораётди. Бу барчамизни янада хушёр ва огоҳ бўлишга ундайди.

Чирчиқда ўтказилган анжуманда шулар хусусида сўз юритилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ҳамкорлигида ташкил этилган тadbирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ички ишлар, Мудофаа вазирликлари масъул ходимлари, диний идоралар вакиллари, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Диний экстремизм ва терроризм — ёшлар келажагига таҳдид мавзусида ўтган анжуманда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси О.Юсупов ва бошқалар ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни воёга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилангани, бу йўлда амалга оширилаётган тизимли ишлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади.

Ёшларни турли зарарли иллатлардан ҳимоя қилиш, улар қалбига эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини кучайтириш, маънавий иммунитетини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишларни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди. (ЎзА)

КЕЛГУСИ СОНДА:

ЎзХДП вакиллари бундан аввалроқ тижорат сиридан меҳнат жамоаси ҳам тўла хабардор бўлиши лозим, деган фикрни илгари сурган эдилар. Энди эса қонун лойиҳасидаги айрим нормалар ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига оид ахборотларни олишда қийинчиликлар туғдириши мумкинлигини қайд эта бошладилар.



Ушбу оғлан оғлан

Ўзбекистон тажрибаси барқарор ривожланиш намунаси бўлиб хизмат қилмоқда

VII Тошкент халқаро сармоявий-молиявий форуми тadbиркор ва ишбилармон доиралари ўртасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда ўзига хос кўприкка айланди

«Saipr» ахборот-рейтинг агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Бонн Араб суғурта федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда халқаро молия институтлари, суғурта, лизинг, аудиторлик ва инвестиция компаниялари, рейтинг агентликлари, вазир-

лик ҳамда идоралар, жамоат ташкилотларининг 500 нафардан зиёд вакиллари иштирок этмоқдалар.

Тadbирда Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели» асосида мамлакатимиз иқтисодиётида босқичма-босқич амалга оши-

риланган таркибий ўзгаришлар, иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш, замонавий бизнес инфратузилмасини ривожлантириш борасида тизимли ишлар олиб борилаётгани алоҳида таъкидланди.

2 >>>

Фракция аъзолари сайловчи олдида ҳисоб берадилар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламентига мувофиқ, 26-31 май кунлари О'zLiDeP фракцияси аъзолари ўз сайлов округларида сайловчилар билан учрашувлар ўтказадилар



Фракция аъзоларининг фикрича, ушбу муҳим тadbирда асосий эътибор мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг бориши,

парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти билан сайловчиларни таъиништириш, жумладан, қабул қилинган қонунларнинг жойлардаги ижросини ўрганиш ва қонунчилик

базасини янада такомиллаштириш учун тақдирлар ишлаб чиқишга қаратилди.

Маълумки, «Соғлом бола йилининг ўтган даврида ҳам парламент қуйи палатасида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» доирасида О'zLiDeP электорати учун кенг имтиёз ва ваколатлар берган бир қатор муҳим қонунлар қабул қилинди. Хусусан, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида», «Ҳуқуқбузарликларни профилактикаси тўғрисида», «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Судьяларнинг малака хайъатлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш (янги тахрирда) ҳақида»ги қонунлар шулар жумласи-

дандир. Фракция аъзолари Президентимиз томонидан қонунчилик ташаббуси асосида парламентга киритилган ва қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (32, 78, 93, 103 ва 117 моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига алоҳида эътибор қаратилишини таъкидламоқдалар.

Ушбу қонун, шубҳасиз, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этиб, демократик ислохотларнинг янада жадаллашуви, сиёсий партияларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш орқали демократиянинг энг асосий омилларидан бири булган кўшпартиявийлик тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

2 >>>

Ўзаро ишончли муносабатларни янада ривожлантириш йўлида

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашув ўтказиш ҳамда Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашининг IV саммитида иштирок этиш учун Хитой Халқ Республикасига ташриф буюрди

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва ХХР Раиси Си Цзиньпин Хитой раҳбарининг Шанхай шаҳридаги қароргоҳида учрашув ўтказди. Сухбат чоғида томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини юксак баҳолади ва ҳамкорликни янада ривожлантириш истикболларини белгилашда бундай учрашувлар муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари ўзаро ҳамкорлик изчил ривожлантиришнинг қайд этиб, Хитой раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.

ХХР Раиси мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлаш тарафдори эканини таъкидлади. Си Цзиньпин Ўзбекистон раҳбари билан бундан буён ҳам яқин шахсий мулоқотни давом эттиришга, икки томонлама муносабатларда «янада юксак марраларга эришиш учун барча сазй-ҳаракатларини ишга солишга» тайёр эканини қайд этди.

Хитой раҳбари давлатларимиз ўртасида минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш лозимлигини таъкидлади. Си Цзиньпин Ўзбекистон минтақадаги муҳим давлат эканини

қайд этиб, Осиё мамлакатлари ўртасидаги ишончни, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт борасида мамлакатимиз билан ўзаро сазй-ҳаракатларни бирлаштиришни таклиф этди.

Ислам Каримов ва Си Цзиньпин ўзаро ҳамкорликка доир қатор масалаларни, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш масаласини атрофлича муҳокама қилди.

Давлат раҳбарлари минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга долзарб масалалар юзасидан фикр алмашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашининг Шанхай шаҳрида бўлиб ўтган IV саммитида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаши қитъада ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тинчлик, савдо-иқтисодий ва барқарорликни таъминлашга қаратилган халқаро форумдир. Бугунги кунда Кенгашига 24 давлат аъзо, Тўққиз мамлакат ва тўрт халқаро ташкилот унинг кузатувчиларидир.

2 >>>

ХУДУДЛАРДА

Депутатлик назорати янада кучайтирилиши керак

О'zLiDeP ва партия фракцияси ташаббуси билан жойларда маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштириш масалаларига бағишланган ўқув-семинарлар бўлиб ўтди

— Ушбу муҳим тadbирларда маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг ижросини таъминлашда депутатлар ролини кучайтириш, депутатлик назоратининг барча шаклларида унумли фойдаланиш масалалари яна бир бор муҳокама этилди. — дейди О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг Депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири Адҳам Ҳусейнов. — Бу масала жорий сайловлар йилида айниқса долзарб аҳамият касб этди. Шунинг учун ҳам депутатларимизга электротар билан ишлашнинг замонавий усуллари, сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш, оммавий ахборот воситаларида партиялараро қизғин баҳс-мунозараларга киришиш амалиёти хусусида мутахассислар, олимлар, экспертлар томонидан тегишли тавсиялар берилди.

4 >>>

«ЁШЛАР ҚАНОТИ» ТАШАББУСИ БИЛАН

Мулоқот майдони

Тошкент Давлат иқтисодий университетидеда «Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари» мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этилди

О'zLiDeP ва унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ташаббуси билан ташкил этилган тadbирда асосий эътибор иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, ички ва ташқи бозор учун юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар етказиб беришни жадаллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни янада ривожлантириш, ишбилармонлар манфаатини ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалаларига қаратилди.

— Тошкент Давлат иқтисодий университети билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу анжуманга тақлиф этилган мутасадди ташкилотлар, тadbиркор ва фермерлар Президентимизнинг бир қатор фармон ва қарорлари, Давлат дастурлари асосида амалга оширилаётган лойиҳалар натижасини яна бир қарра таҳлил этиб, бу борадаги имкониятлардан самарали фойдаланиш лозимлигига эътиборни қаратдилар, — деди конференцияда О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси бўлим мудири Бегмат Очилов.

3 >>>

Ҳамкорлик

Ўзаро ишончли муносабатларни янада ривожлантириш йўлида

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида таъкидлаганидек, бүгун дунёда рўй бераётган таҳликали, бекарор сиёсий ва иқтисодий воқеалардан хавотирга тушмаган давлат, жамият бўлмаса керак. Бу, ўз навбатида, халқаро хавфсизликка ҳам таъсир ўтказмасдан қолмайди. Сўнгги вақтларда жаҳоннинг айрим минтақаларида юзага келаётган вазиятни кузатар эканмиз, барқарорликни издан чиқарувчи омиллар — қуч ишлатиш ва ўзравонлик хавфи тобора кучайиб бораётганини афсус билан қайд этмоқ лозим. Халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик хавфи, миллатлараро ва конфессиялараро қарама-қаршиликлар ҳам қамайтгани йўк.

Ислон Каримов саммит қатнашчилари эътиборини муҳим масала — ишонч масаласига қаратди. Ўзбекистон раҳбари қарама-қарши томонларни муросага келтириш учун, авваламбор, улар ўртасида юзага келган муаммони ҳал этишга қаратилган ўзаро хайрихоҳликка эришиш зарурлигини таъкидлади. Акс ҳолда, улар ўртасидаги барча музокаралар бир-бирига эътироз билдиришдан нарига ўтмай қолиши ва бу ҳолат кечикс давом этавериши мумкин. Бу, ўз навбатида, дунёнинг турли минтақаларида ҳал этилмай келаётган зиддиятларни юзага чиқаради. Фақат ўз манфаатини қўзғайдиган ташки қучлар ушбу зиддиятларнинг авж олиши ва ҳатто чегарадан чиқиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бироқ, вазият қандай тус олмасин, бундай зиддиятларнинг асосий сабаби бир-бирига қарши курашаётган томонлар ўртасида ўзаро ишончнинг йўқолишидир. Бу ишончни қайта тиклаш ва албатта мустаҳкамлаш зарур.

Президентимиз ишонч — бу муҳим элемент ва асосий мажбурият эканини, бусиз тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги ҳар қандай музокаралар жараёнида бахсли масалаларни ҳал этиш, ўзаро тушуниш ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш сари қўйилган мақсадларга эришиб бўлмаслигини таъкидлади. Аммо экспертларнинг фикрича, замонавий дунёда, биринчи навбатда, халқаро муносабатларда ўзаро ишонч мустаҳкамлаш ўрнига сусайиб бормоқда.

Юзага келаётган реал вазият бүгун ушбу масалалар ўз ечимини талаб қилаётган ғоят долзарб муаммолар эканини кўрсатмоқда. Аксарият таҳлилчилар бугунги кунда жаҳондаги вазият шиддат билан ўзгараётгани ва глобаллашув қўлами кенгайиб, хомашё ресурслари ва коммуникацияларни назорат қилиш бўйича геосиёсий рақобат кучайиб бораётгани, бекарор давлатларда бўлгани каби ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ҳам даромад тенг тақсимланмаётгани бундай ҳолатлар юзага келишининг асосий сабаблари, деб ҳисоблайди.

Ислон Каримов таъкидлаганидек, бугунги кунда радикализм, халқаро терроризм, экстремизм ва наркотрафик мафкураси бир мамлакат ёки муайян минтақа муаммоси эмас. Бу муаммолар миллий чегарани билмайди, айниқса, ёш авлоднинг ўз домига тортмоқда. Давла-

тимиз раҳбари терроризмни фақат ислом дини билан боғлаш мутлақо нотўғри ёндашув эканини алоҳида қайд этди.

Қўпгина экспертларнинг фикрича, халқаро бошқарув институтларининг мувофиқлаштирувчи роли, биринчи навбатда, халқаро ҳуқуқнинг асо-

ватларни ташкил этишга доир тақлифлар ҳам қўллаб-қувватлашга лойиқ. Президентимиз замонавий дунёда талаб юқори бўлган бундай янги ёндашувлар бугунги кунда айниқса муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Ўзбекистон раҳбари қўшни

қўйилиши мутлақо самарасиз ва бунга сира йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайди. Афғонистондан АЙСАФ тинчликпарвар кучларининг чиқарилишига келсак, ушбу мамлакатда юзага келган вазият қўшинларни 2014 йилнинг охирига қадар олиб чиқиб ке-

Президентимиз ишонч — бу муҳим элемент ва асосий мажбурият эканини, бусиз тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги ҳар қандай музокаралар жараёнида бахсли масалаларни ҳал этиш, ўзаро тушуниш ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш сари қўйилган мақсадларга эришиб бўлмаслигини таъкидлади.

сий нормаларига қатъий риоя этиш бўйича ягона ёндашувнинг заифлашгани вазиятнинг тобора кескинлашувига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон давлатлараро ва халқаро даражадаги ишончни қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш, шубҳасиз, дунёда зиддиятли жараёнлар кучайишининг олдини олишда муҳим таянч ва асосий ўсик, нотинч минтақаларда ўзаро курашаётган марказларнинг бир-бири билан рақобатлашишининг, вазият кескинлашуви ва издан чиқилиши тўхтатишининг ишончли ва муҳим воситаси, деб билади.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин нутқида Осиёда хавфсизликнинг янги концепциясини ишлаб чиқиш бўйича билдирилган тақлифлар эътибор ва қўллаб-қувватлашга лойиқ эканини, ўзаро ишонч, манфаат, тенглик ва ҳамкорлик каби принципларни амалга ошириш ушбу концепциянинг асосий мақсадлари бўлиши даркорлигини таъкидлади. Ижтимоий тизим ва унга ёндашувдаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик, ҳамкорликни фақат икки томонлама асосда ташкил қилиш, Афғонистон халқи сайлаган ҳукуматни қўллаб-қувватлаш сиёсатида қатъий туради.

Ўзбекистон муроасага келаётган томонлар олдида нафақат музокара жараёнини чўзадиган, балки кескинлигининг яна авж олишига, зиддият ва тортишувларнинг янада кучайишига олиб келадиган шартлар

Афғонистонни ривожлантириш истикболлари тўғрисида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Бугун шунини ишонч билан айтиш мумкинки, Афғонистон муаммосини ҳал этишдан манфаатдор барча томонлар бир фикрда яқдил — Афғонистонда ҳарбий йўл билан тинчлик ўрнатиб бўлмайди. Ислон Каримов Ўзбекистон бу фикрнинг НАТОнинг 2008 йил апрелдаги Бухарест саммитида ҳам илгари сурганини қайд этди.

Можарони бартараф этишнинг ягона тўғри йўли — сиёсий йўл бўлиб, музокаралар орқали қарама-қарши томонларнинг ўзаро келишувига эришиш, мамлакатнинг асосий миллий-этниқ гуруҳлари вакилларидан иборат ҳукуматни шакллантиришдир. Ўзбекистон раҳбари Афғонистонда президент сайловининг иккинчи босқичи қонун доирасида ўтказилишига умид билдирди ва бу жафоқаш Афғонистон халқи учун тинч ҳаёт сари йўл очиб бериши мумкинлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Афғонистоннинг яқин қўшниси сифатида унинг ички ишларига аралашмаслик, ҳамкорликни фақат икки томонлама асосда ташкил қилиш, Афғонистон халқи сайлаган ҳукуматни қўллаб-қувватлаш сиёсатида қатъий туради.

Ўзбекистон муроасага келаётган томонлар олдида нафақат музокара жараёнини чўзадиган, балки кескинлигининг яна авж олишига, зиддият ва тортишувларнинг янада кучайишига олиб келадиган шартлар



БУГУНГИ КУНДА РАДИКАЛИЗМ, ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ, ЭКСТРЕМИЗМ ВА НАРКОТРАФИК МАФКУРАСИ БИР МАМЛАКАТ ЁКИ МУАЙЯН МИНТАҚА МУАММОСИ ЭМАС. БУ МУАММОЛАР МИЛЛИЙ ЧЕГАРАНИ БИЛМАЙДИ, АЙНИҚСА, ЁШ АВЛОДНИ ЎЗ ДОМИГА ТОРТМОҚДА. ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ТЕРРОРИЗМНИ ФАҚАТ ИСЛОМ ДИНИ БИЛАН БОҒЛАШ МУТЛАҚО НОТЎҒРИ ЁНДАШУВ ЭКАНИНИ АЛОҲИДА ҚАЙД ЭТДИ.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Форумда йирик лойиҳаларни амалга оширишда «Навойий» эркин индустриал-иктисодий, «Жиззах» ва «Ангрен» махсус индустриал зоналари муҳим ўрин тутаятгани, биргина «Навойий» эркин индустриал-иктисодий зонаси ҳудудида шу кунгача умумий қиймати 100 миллион доллардан зиёд 19 та лойиҳа бўйича саноат қорхоналари ишга туширилгани мамлакатимизда қулай бизнес муҳити яратилгани билан боғлиқ экани қайд этилди.

Маълумки, ниҳоятда қисқа вақт ичида «Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳудудида қарийб 44 миллион долларлик 5 та йирик лойиҳа асосида энергияни тежайдиган диодли ёруғлик лампалар, турли қатталиқдаги мис қувурлар, қўмир брикетлари каби юксак технологиялар асосидаги махсусотлар ишлаб чиқарила бошланди.

«Жиззах» махсус индустриал зонасида эса ўтган йилнинг ўзида хитойлик ҳамкорлар билан 100 минг дона мобил телефон ишлаб чиқариш, шунингдек, қорва махсусотларини қайта ишлаш ва озуқа тайёрлаш бўйича умумий қиймати 6 миллион долларлик 3 та лойиҳа амалга оширилди.

Бош Араб суғурта федерацияси бош қотиби Абдул Халиқ Рауф Халиф (Миср)нинг фикрича, Ўзбекистонда истикдолнинг дастлабки йилларидан амалга оширилаётган иқтисодий стратегия бүгун ўз самараларини бермоқда.

«Tokyo Electric Power Services» компанияси вакили Фумио Такама (Япония) эса



Ўзбекистонда чет эллик ишбилармонлар учун яратилган қулай бизнес муҳити ва кенг имкониятлар япониялик бизнесменларнинг ҳам қизиқишини кучайтираётганини қайд этди.

Президент Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатнинг бизнесни бошлаш ва уни муваффақиятли олиб бориш имкониятлари йил сайин кенгайиб бормоқда, — дейди «K.M.Dastur» компанияси-нинг минтақавий менежери Арун Кумар Жха (Хиндистон). — Мазкур форум ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш, кенг қўламли таркибий ўзгаришларни амалга оширишга йўналтирилган ривожланишнинг «ўзбек модели» бутун дунёда қатта қизиқиш уйғотаёт-

ганининг яна бир намунаси-дир. Ўзбекистонда одамларнинг қўтаринки қайфияти, ўз ҳаётидан мамнунлиги ва келажакка бўлган ишончли муносабат эканини кўрдим. Мамлакатни янада модернизация қилиш ва янгилаш, халқ фаровонлигини ошириш бўйича кенг қўламли ислохотларни, чуқурлаштиришга доир Ўзбекистон тажрибаси қўллаб давлатлар учун барқарор ривожланиш намунаси бўлиб хизмат қилади.

Форумда банк-молия, ахборот-коммуникация технологиялари, сайёҳлик, транспорт коммуникациялари, маддаачилик, тоғ-кон саноати каби соҳаларни ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама этилмоқда.

➤ ПАРЛАМЕНТАДА

Фракция аъзолари сайловчи олдида ҳисоб берадилар

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Қонун мамлакат сиёсий майдонида партиялараро рақобатни кучайтиришда ҳам ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. О'зЛиДеР фракцияси аъзолари сайловлар йилида ушбу қонуннинг мазмун-моҳияти, унинг туб мақсадларини аҳолига етказиш партия электорати вакилларининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигини янада оширишга хизмат қилишини қайд этишгилар.

Депутатлар сайловчилар билан учрашувлар чоғида давлатимиз раҳбарининг Сурғилъ қонун негизида бунёд этилган Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилишининг бориши билан танишиш мақсадида Қорақалпоғистонга таширифлари чоғида билдирилган фикр-мулоҳазалар, 9 май—Хотира ва қадрлаш кунини оммавий ахборот воситаларига берган интервьюларида қўтарилган масалалар моҳиятидан тортиб, Самарқандда ташкил этилган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигади роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциядаги маърузаларида баён этилган фикрлар хусусида ҳам сайловчиларга кенг маълумотлар бериш лозимлигини қайд этишгилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари,

О'зЛиДеР фракцияси раҳбари Бахтиёр Якубовнинг таъкидлашича, бүгун ҳар бир фуқаро давлат муҳим аҳамиятга эгадир. О'зЛиДеР фракцияси аъзолари сайловлар асосида амалга оширилаётган ислохотлар натижасини ўз ҳаёти миқолида яққол ҳис этаётти. Навбатдаги учрашувлар эса амалдаги қонунларнинг жойларда қандай ишляётганини ўрганишдан ташқари, айни пайтда муҳокама этилаётган янги қонун лойиҳаларини сайловчи ҳукмига ҳавола қилиш ва бу борада уларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишиш имконини беради. Шунинг учун ҳам учрашувларда айни пайтда қизғин муҳокама қилинаётган ва партия электорати манфаатларини ифодалашга қаратилган «Тижорат сирини тўғрисида», «Хусусийлаштириш тўғрисида», «Давлат мулкни бошқариш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари юзасидан ҳам муҳокамалар ўтказиш қўзда тутилган.

О'зЛиДеР фракцияси аъзолари айниқса мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркор ва ишбилармонлар учун кенг имкониятлар очишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармон ва қарорлари мазмун-моҳияти, уларнинг жойлардаги ижроси ва бу борадаги мавжуд муаммо-

ларни ўрганишни ҳам режалаштиришгилар.

— Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, «Тадбиркорлик фаоллигини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва ақиндагина эълон қилинган «Қишлоқ хўжалиқ-мулоҳазалари билан танишиш имконини беради. Шунинг учун ҳам учрашувларда айни пайтда қизғин муҳокама қилинаётган ва партия электорати манфаатларини ифодалашга қаратилган «Тижорат сирини тўғрисида», «Хусусийлаштириш тўғрисида», «Давлат мулкни бошқариш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари юзасидан ҳам муҳокамалар ўтказиш қўзда тутилган.

Хатиндан ҳам парламентнинг қонунчилик фаоллигига асосий баҳони сайловлар даврида депутатларга ишонч билдирган сайловчи беради. Уларнинг фикр-мулоҳазалари, тавсиялари парламент фаоллигининг асосига айланаётгани ҳам шундан. О'зЛиДеР фракцияси аъзолари эса ана шу талаб асосида бўлажак учрашувларга қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

➤ 2014 ЙИЛ — «СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ»

Давлат дастури ва оммавий ахборот воситалари

Наманганда «Соғлом бола йили» Давлат дастурини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва вазифаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Наманган вилояти ҳудудий бўлими, вилоят матбуоти ва ахборот бошқармаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳудудий босма ва электрон оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Тадбирда Президентимиз ташаббуси билан қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Жисмонан соғлом, маънан етук ёшларни тарбиялаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши хусусида сўз юритилди.

— Давлат дастурида ёш авлодни қонил инсонлар этиб тарбиялаш, жамиятда соғлом муҳитни қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилган, — дейди Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Наманган вилояти ҳудудий бўлими раҳбари З.Худойбердиев. — Тадбирда бу борадаги ишларни оммавий ахборот воситалари орқали тезкор, сифатли ҳамда атрофчида ёритиш, журналистларнинг касб маҳоратини ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Тадбирда журналистлар малакасини ошириш ва маҳаллий ОАВ фаоллигини янада такомиллаштириш, таҳлилий материалларни қўпайтириш, Давлат дастури билан боғлиқ аниқ мавзуларни ёритиш бўйича тақлифлар билдирилди.

А.САТТОРОВ, ЎЗА МУХБИРИ.

БУГУН ИНСОННИНГ ЎЗИ ЎЗГАРДИ. УНИНГ ГРАЖДАНЛИК ВА СИЁСІЙ ОНГИ, ҲУҚУҚІЙ МАДАНИЯТИ ЎСДИ. ҲАЁТГА ИШОНЧ БИЛАН КИРИБ КЕЛАЁТГАН БАРКАМОЛ ЁШЛАРИМИЗ ЖАМИЯТИМИЗДАН МУСТАҲКАМ ЎРИН ОЛИБ, МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧГА АЙЛАНДИ.

Сиёсий имтиҳон арафасида

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига мувофиқ жорий йилнинг декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига умумхалқ сайловлари бўлиб ўтади

Ўз мухбиримиз

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 12 май куни бўлиб ўтган йиғилишида Олий Мажлис, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтаётган сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича тадбирлар дастури тўғрисида келишилди.

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида ушбу дастурга муносабат билдирилиб, партиянинг сайловларга тайёргарлиги масаласи агарофича муҳокама қилинди.

Мажлисида Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» қоидаларининг амалиётга кенг татбиқ этилаётгани натижасида юртимизда демократик жамиятнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган кўптартиявийлик тизими янада мустаҳкамлангани, партияларро рақобат кучайгани ҳамда сиёсий партияларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилиши алоҳида таъкидланди.

Зеро Концепция доирасида сайлов қонунчилигига сайлов ҳуқуқи эркинлиги принципининг тўлиқ амалга оширилиши, мамлакатимиз сайлов тизимининг янада демократлашуви, депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш борасида тенг шарт-шароитлар яратилиши самарадорлигини ошириш, сайловнинг очик ва шаффофлиги принципларини мустаҳкамлашга қаратилган қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилдики, бу, энг аввало, мамлакат сиёсий майдонида соғлом рақобат муҳитини янада яхшилашга хизмат қилади.

Тадбирда давлатимиз раҳбари тапаббуси билан 2014 йилнинг апрель ойида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги қонуни ҳокимиятнинг қонуни чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари фаолиятини янада демократлаштириш, ўзаро тийиб туриш ва мувозанатлар тизимининг кучайтирилганлиги, энг асосийси, сиёсий партиялар фаолиятини ошириш, партияларро рақобатни кучайтиришнинг ҳуқуқий асоси янада мустаҳкамланганлиги алоҳида таъкидланди. Ана шу қонунга мувофиқ сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг давлат ҳокимиятининг бошқа органлари аралиқуви сиз таъминлайдиган Ўзбекистон Республи-



— Сайловлар — кучли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий-демократик давлатда халқ иродасини ифода этишнинг асосий шакли бўлиб, улар фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида билвосита иштирок этишларини таъминлашга хизмат қилади, — деди тадбирда О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Содиқжон Турдиев.

каси Марказий сайлов комиссиясига конституциявий орган мақоми берилгани ҳам демократик ислохотлар жараёнидаги муҳим воқеалардан бири бўлди. Бу эса сайловларнинг очик ва ошкоралиги, қонунийлигини таъминлашнинг энг муҳим қафолатига айланди, албатта.

Айни пайтда сиёсий партияларга берилган ваколат ва ҳуқуқлар бошқа партиялар қатори иқтисодиётимиз таянчига айланган тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар манфаатини ифода этаётган О'zLiDeP зиммасига ҳам жуда катта масъулият юклайди. Ислохотлар давомчилиги, босқичма-босқичлиги таъминлашга қаратилганини алоҳида кайд этиш жоиз.

— Сайловлар — кучли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий-демократик давлатда халқ иродасини ифода этишнинг асосий шакли бўлиб, улар фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида билвосита иштирок этишларини таъминлашга хизмат қилади, — деди тадбирда О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Содиқжон Турдиев. — Сайловларни адолатли принципларга мос тарзда ўтказиш эса, энг аввало, зарур қонунийлик базасининг мавжудлиги, қолаверса, сайловчиларнинг ушбу қонунига риоя этган ҳолда иштирок этишларига боғлиқдир.

Сайловлар ҳусусида сўз борганда, 2014 йилги сайловлар мамлакатимизда

вуждуга келган янгича сиёсий шароитда ўтишини, улар олдинги сайловлардан сифат жиҳатдан мутлақо фарқ қилишини кайд этиш керак.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, бутун инсоннинг ўзи ўзгарди. Унинг гражданлик ва сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ўсди. Ҳаётга ишонч билан кириб келаётган баркамол ёшларимиз жамиятимиздан мустаҳкам ўрин олиб, мамлакатимиз тараққиётида ҳал қилувчи кучга айланди.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги муҳим тадбирга тайёргарлик кўрар эканмиз, 2009 йилдаги сайловлардаги иштирокчимизни чуқур таҳлил этиб, ўша пайтда бир қатор ҳато ва камчиликларга йўл қўйилганини, хусусан, сайловларда кузатувчилар ва ваколатли нақиллар тайинлаш, номзодлар билан ишлашда мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмаганини кайд этиш лозим.

ОАВ имкониятларидан фойдаланишда депутатликка номзодларга бир хил ҳажмдаги эфир вақти ва нашр майдони бепул берилганига қарамай, Фарғона вилоятининг Бувайда, Яйпан, Бухоро вилоятининг Варахша, Пайкент, Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон, Шўрчи, Андижон вилоятининг Харум Сайлов округларида бу имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаган.

Бу эса навбатдаги сайловларга тайёргарлик пайтида партия ҳудудий кенгашларининг мазкур масалаларга эътиборни қўчайтиришларини, депутатликка номзодларга яқиндан ёрдам кўрсатиш, сайловол-

ди ташвиқотнинг самарали ва замонавий усулларини ўргатиб бориш лозимлигини кўрсатади. Шунингдек, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ўтказиш масаласида ҳам янгича ёндашувлардан фойдаланиш лозим.

Ўз навбатида Марказий Сайлов комиссиясининг дастури демократик принципларни ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳозирги босқичи талабларига тўла мос келувчи ҳужжат сифатида баҳоланаётгани бежиз эмас.

Тадбирда бўлажак сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда ушбу ҳужжат дастуриламал бўлиши кайд этилди.

— Марказий сайлов комиссияси мажлисида муҳокама этилган дастурда сиёсий партиялар, депутатликка номзодларга ўз сайловолди дастурларига белгиланган вазифаларни, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий, социал-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича ўз позицияларини сайловчиларга ва кенг жамоатчиликка етказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кенг ва тенг имкониятлар яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сийкери ўринбосари, О'zLiDeP фракцияси раҳбари Бахтиёр Якубов. — 2009 йилдаги сайловлардан кейин миллий сайлов қонунчилигимизга киритилган ўзгариш ва янгилар дунёнинг таниқли сиёсатшунос олимлари, экспертлар томонидан ҳам эътироф этилаётгани мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ис-

лохотларнинг реал натижалари билан изоҳланади, албатта.

Шу ўринда навбатдаги сайловлар О'zLiDePнинг мамлакат сиёсий майдонидаги мавқеи ва ўрни нуқтаи назаридан ўта муҳим синов эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунинг учун ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига кўрсатилган номзодларнинг сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини ташкилий-ғоявий, ахборот ва услубий жиҳатдан таъминлашимиз керак.

Жорий йилнинг май-октябр ойларида етакчи олимлар, экспертлар ва амалиётчи ходимлар иштирокида ўтказилиши режалантирилган тадбирлар, хусусан, «Янги сайловлар — жамият учун сифат жиҳатдан янги имкониятлар» лойиҳаси эса бу борадаги тайёргарлигимизни янада яхшилашга хизмат қилади.

«Сайловларга қўмақдош» лойиҳаси орқали эса парламент, жойлардаги вакиллик ҳокимияти органларига депутатликка номзодлар учун партиядан 52 мингдан зиёд кузатувчи, ваколатли ва ишончли вакиллар тайёрлаш назарда тутилмоқда. Бундай муҳим тадбирлар ана бир қарра ички имкониятларимизни чамалаш имконини беради.

Мажлис иштирокчилари, шунингдек, партия қошидаги сиёсий таълим марказлари фаолиятини такомиллаштириш, бошланғич партия ташкилотлари ишини жонлантириш масалалари, «тўрттинчи ҳокимият» саналган оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни кучайтириш лозимлигига ҳам эътибор қаратилди. Муҳокамаларда сўзга чиққанлар сайловларга тайёргарлик жараёнида жойларда амалга оширилиши лозим бўлган долзарб масалаларга тўхтадилар.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари С.Ортикова иштирок этди.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Рисолат МАДИЕВА,
«XXI asr»

Тадбирда мамлакат янги ички маҳсулотининг 55,8 фоизи, ишлаб чиқарилаётган жами sanoat маҳсулотларининг — 23, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг — 18, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келаётгани ушбу соҳа вакиллари учун яратилган қулай шарт-шароитлар натижаси экани кайд этилди.

Аграр соҳада олиб борилаётган ислохотлар натижасида эса 2013 йилда кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,8 фоиз, жумладан, деҳқончилик 6,4 фоиз, чорвачилик 7, 4 фоизга ўсди.

— Ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган бозор субъектларининг инновацион фаолияти механизмининг янада такомиллаштириш иқтисодий сиёсатининг устувор вазифаларидандир, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Насимжон Алимов. — Чунки айнан инновацияларига маҳсулотлар рақобатдорлигини ошириш, улар таннархи ва энергия сарфини камайтириш, инвестициялар оқимини кўпайтиришга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам бутун иқтисоднинг барча тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш борани кенг қўламини фўлдамеппал тадқиқотлар ва ип-

новацион лойиҳалар устида изланишлар олиб боришмоқда. Бу эса ишлаб чиқаришнинг модернизациялаш жараёнида интеллектуал мулкнинг ўрни ва ролини, қолаверса, илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлигини оширишга тааллуқли дастурлар билан боғлиқ чоратадбирлар тизимини янада мустаҳкамлаш лозим.

Бугун Ўзбекистонда кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизими яратилиб, соҳани тартибга солишчи ҳуқуқий база шакллантирилган. Соҳа учун профессионал кадрлар тайёрлаш, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар, товарлар ва хизматлар бозоридан кенг фойдаланишлари учун ишончли механизм ишлаб чиқилган.

— Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини изчил қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар туфайли етакчи соҳаларда янги мулкрий муносабатларни шакллантириш ва умуман олағида мамлакатнинг ипституционал таркибида ижобий ўзгаришлар юз берди, — деди тадбирда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Прогнозлаштириш ва марокитисодий тадқиқотлар институти бош илмий ходими, иқтисод фанлари доктори, профессор Чори Муродов. — Ўтган 2013 йилда янги ички маҳсулотда sanoat тармоғи қўшилган қиймати улushi 24,2 фоизни, шу жумладан, унинг асосий тармоқлари — ёқилғи хом ашёси улushi — 47,3 ва қайта ишлаш соҳасишики 52,7 фоизни

ташқил этди.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси sanoatини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Дастур соҳани тизимли ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ушбу муҳим ҳўжжатга мувофиқ sanoat корхоналарини кенг миқёсда модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, уларни энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш, sanoat тармоқларига илғор иновация технологияларини татбиқ этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ишлаб чиқаришнинг диверсификация қилиш, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш негизида экспорт салоҳиятини барқарор ўстириш, экспортга мўлжалланган рақобатдорлиги sanoat маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг кўпайтириш каби муҳим чоралар белгилан берилган.

Тадбирда билдирилган фикр-мулоҳазалар, илгари сурилган гойлар ушбу анжуманин электротар билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашдаги навбатдаги майдонга айлантирди, дейиш мумкин. Чунки партиянинг Сайловолди дастурида электротар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг эркин фаолият юртишлари учун қулай шароит яратиш, тадбиркорликни иқтисодий ўзгаришларнинг хал қилувчи кучига айлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Ў ҚУТЛОВ



ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСІЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ

Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармаси ташкил этилганига 50 йил тўлиши муносабати билан барча жамоа аъзоларини қизгин муборакбод этади.

Маълумки, Навоий кон-металлургия комбинатининг асосий бўғини ҳисобланган Марказий кон бошқармаси мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоғи сифатида Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрўсини кўтаришга катта ҳисса қўшаётган, таркибида ўн минглаб фуқароларни иш билан банд этган йирик sanoat корхонаси ҳисобланади.

Айни кунларда Марказий кон бошқармасида қазилма ишларини олиб бориш баробарида гидрометаллургия заводлари учун ноанъанавий ускуналар тайёрлаш, замонавий дастгоҳлар ишлаб чиқариш, бир қатор sanoat корхоналари ва қишлоқ ҳўжалиги учун буюртма асосида эҳтиёт қисмлар тайёрлаш каби муҳим фаолият турлари ҳам йўлга қўйилган.

Муҳтарам Ўртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгилашлар, халқимиз маънавияти, сиёсий ва ҳуқуқий дунёқарашидagi ўзгаришлар, Ватанимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги юксалиш ҳамда жадал суръатлар билан олиб борилаётган кенг қўламли ишларда ҳам Марказий кон бошқармасининг ўзига хос ўрни борлигини таъкидлаш жоиз.

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Марказий кон бошқармасининг фидойи, ўз касбининг устаси, юқори малака ва катта тажрибага эга бўлган кўп минг сонли меҳнат жамоасига бундан буён ҳам мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қудрати ва тараққиётга муносиб ҳисса қўиш ҳамда халқ фаровонлигини ошириш йўлидаги шарафли фаолиятида улкан зафарлар тилайди.

Сайловчи ишончини оқлаш — бирламчи масала



Ойгул САТТОРОВА, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати, O‘zLiDeP Сергели туман кенгаши раиси ўринбосари

Бўлажак сайловлар, шубҳасиз, минг-минглаб фукаролар ишончини қозониб, депутатлик мандатини қўлга киритган юртдошларимиздан ўтган йилларни чуқур таҳлил этиш, сайловчи ишончини қай даражада оқладик, деган ҳақли саволга жавоб қайтаришни тақозо этмоқда. Фаолиятининг дастлабки кунлариданок ислохотлар муваффақияти учун масъулиятни ўз зиммасига олган партия аъзоси сифатида бўлажак сайловлар биз учун жуда катта имтиҳон эканини таъкидлашни истардим.

Маълумки, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида оилада ўзаро меҳр-оқибат, юксак ахлоқий ва маънавий кадриятларни шакллантириш, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар иқтидорини рўёбга чиқариш учун жойларда янада қулай шароит яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Юртимизда аёлларга кўрсатилаётган бундай эътибор туфайли бугун ҳар бир давлат ва нодавлат ташкилотлари, жамоат бирлашмаларида хотин-қизларнинг ўрни сезиларли даражада кенгайиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, аёлларнинг нафақат ижтимоий, балки сиёсий жиҳатдан ҳам камол топишларига замин яратяпти. Бугун сиёсий партия аъзоларининг 40-50 фоизини хотин-қизлар ташкил этиши ва партия кенгашлари қошида «Аёллар каноти» фаолият юритаётганини назарда

тутсак, сайловлар натижаси аёлларимизнинг сиёсий фаоллигига ҳам боғлиқ эканини яққолроқ хис этамиз.

Айни пайтда O‘zLiDeP Сергели туман кенгашидаги 1650 нафар аъзонинг 719 нафари хотин-қиздан иборат. Уларнинг 340 нафари ишбилармон ва тадбиркордир. Туманимиздаги 77 БПТнинг 43 тасига ҳам хотин-қизлар етакчилик қилишмоқда. «Соғлом бола йили»нинг ўтган даврида тадбиркор хотин-қизларимизга амалий ёрдам кўрсатиш максатига жойларда 40 дан ортиқ тарғибот тадбири ва ўқув-семинарлар ташкил этдик. 1000 га яқин опа-синглимиз иштирок этган ана шундай учрашувларда асосий эътибор партиявий лойиҳалар тарғиботига қаратилди. Чунки айнан ана шу лойиҳалар орқали биз електорат вакиллари билан мулоқотга киришяпмиз. Уларга амалдаги қонунлар моҳиятини етказ-

Шухрат РАХИМОВ, «XXI asr»

Маълумки, ёшларнинг тадбиркорликка оид қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, уларга ўз бизнесларини ташкил этиш учун қулай шароитлар яратиш O‘zLiDePнинг Сайловли платформасида энг муҳим масалалардан бири сифатида акс этган.

2004 йилдан бери ўтказилаётган «Ишбилармон талаба» республика кўрик-танловли эса ана шу муҳим масала ижросига хизмат қилаётган партиявий лойиҳалардан биридир.

— Мазкур танлов тадбиркорликка қизиқувчи иқтидорли талабаларни саралаб олишдан ташқари ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, бутунги ўзгариш ва янгиланишлардан хабардор қилиб бориш орқали уларда ислохотларга дахлдорлик туйғусини шакллантиришга ҳам хизмат қилмоқда, — дейди O‘zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Дилрабо Рахмонова.

Сухбатдошимизнинг маълум қилишича, вилоятда «Иш-

билармон талаба» стипендияси учун ўтказиладиган республика кўрик-танловининг 2013 йилида туман (шаҳар) босқичларида академик лицей ва касб-хунар коллежаларининг 120 нафардан ортиқ талабаси иштирок этган бўлса, «Соғлом бола йили»нинг ўтган даврида бу кўрсаткич 142 нафарга етган.

Қуйи босқич иштирокчилари орасидан тадбиркорлик ва ишбилармонлик қўникмаларини қай даражада ўзлаштиргани, замонавий ахборот-компьютер технологиялари, интернет хизмати, миллий ва хорижий ахборот-кутубхона фондларидан фойдаланиш босқичидаги билимлари, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, сервис ва кишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш босқичидаги инновацион лойиҳалари, аъло баҳоларда ўқиниш, намунали хулқи, етакчилик қобилияти, ёшлар билан ишлай олиши, либерал-демократик ғояларни қай даражада ўзлаштирганига қараб 42 нафар талаба сараланиб, уларга вилоят босқичига йўланма берилди.

— Мен Термиз туманидаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-хунар коллежи

моқдамиз. Ўз ўрнида кўпчиликни ўйлантираётган муаммоларни ўрганипмиз.

Шу маънода ҳам фукаролар ҳаётига дахлдор ҳар қандай масала депутат эътиборида бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Четдан қараганда сайловчилардан келиб тушаётган мурожаатлар жуда оддийдек туюлиши мумкин. Лекин уларнинг ўзига яраша «юки» борлиги, ҳар бир мурожаат ортида бизга ишонч билдирган сайловчи турганлигини унутмаслигимиз керак.

Мана, бир мисол. Яқинда бир гуруҳ фукароларнинг таклиф-мулоҳазаларига биноан тумандаги «Ал-Фарғоний» маҳалласи, Нарзуллаев кўчасида ўрнатилган «Кириш тақимланади» йўл белгиси туман ИИБ бошқармаси ёрдамида олиб ташланди. Бир қарашда бу унчалик катта масала эмас. Аммо энг муҳими, ушбу марожаат замирида сайловчининг ишончи борлиғидир. Депутатларимиз айни пайтда ҳар қандай масалага шу нуқтаи назардан ёндашмоқдалар. Агар ўтган «Обод турмуш йили»да ана шундай мурожаат, таклиф ва тавсиялар асосида O‘zLiDeP депутатлик гуруҳи томонидан шаҳар сессиясига жами 4 та масала киритилган бўлса, жорий йилнинг ўтган

даврида 35 та масала юзасидан жойларга сўровномалар жўнатилди. Уларнинг аксарияти ижобий ҳал қилинди. Бундан ташқари, 6 та масала юзасидан мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари эшитилиб, аниқ вазифалар юзасидан назорат-таҳлил ишлари амалга оширилмоқда.


Масалан, Сергели туман ҳокимлигининг ҳудудни ижтимоий ривожлантириш дастурига асосан 1 чоракда 35 та объект ишга туширилиб, 154 та янги иш ўрни ташкил этилиши режалаштирилган эди. Аммо ҳисобот йиғилишидан кейинги таҳлиллар туманда қутилганидан кўп, яъни 46 та ижтимоий лойиҳа 12927 млн. сўм маблағ эвазига молиялаштирилгани аниқланди. Табиийки, яратилган иш ўринлари ҳам режадан анча кўп, яъни 201 тани ташкил этди. Эътиборлиси, бу жараёнларда електоратимиз вакиллари жонбозлиги яққол кўзга ташланаётир.

Лекин шунга қарамай, депутатларимиз, партия фаоллари айрим ҳудудларда мавжуд имкониятлардан етарлича фойдаланилмаётганини ҳам таъкидламоқдалар. Демак, хали сайловчи ишончини тўла оқлаяпмиз, дейишга жуда эрта.

2014 йил — «соғлом бола йили»

«АЁЛНИ ҚАДРЛАШ, ОҒИР ИШЛАРДАН ХАЛОС ЭТИШ, ТУРЛИ КАСАЛЛИКЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ – ЭР КИШИНING, БУТУН ЖАМИЯТИМИЗNING БУРЧИДИР. БУ ҲАҚИҚАТ ҚУРУҚ ГАПГА АЙЛАНИБ ҚОЛМАСЛИГИ УЧУН БАРЧАМИЗ ЖАВОБГАРЛИКНИ СЕЗИШИМИЗ, УНИ АМАЛИЙ ИШЛАРИМИЗДА НАМОЁН ҚИЛИШИМИЗ ДАРКОР».

Ислom KAPИMOV.



талабасиман, – дейди Озода Авазова. – Ўтган йили коллежимизда тахсил олаётган Феруза исмли дугонам шу танловда иштирок этиб, республика босқичи ғолиби сифатида партия стипендиясига сазовор бўлганди. Ўшанда Ферузига ҳавас қилгандим. Интилганга толе ёрдеганларидек, O‘zLiDeP Термиз туман кенгаши томонидан ташкил этилган кўрик-танловда ғолиб бўлиб, вилоят босқичига йўланма олдим. Эндilikда билимимни янада ошириб, республика босқичида ҳам ғолиб чиқишни кўзлайман.

Кўпроқ таҳлилларга таянган журналистлар олатда муайян максадга қай даражада

эришилганига эътибор қаратадилар. Шу нуқтаи назардан O‘zLiDeP лойиҳалари асосида кўзланган максадларга қай даражада эришиляпти, деган саволга жавоб қайтариш ўринлидек туюлади. Айтмоқчимизки, анчадан бери ўтказилаётган партия лойиҳаларида минглаб Ферузалар ўзларини сынаб кўряптилар. Каттами, кичикми, қандайдир натижаларга эришяптилар ҳам. Бунда стипендия муҳим аҳамиятга эга, десак адашмаган бўламиз. Энг асосийси эса уларга минглаб Озодалар эргашяпти. Демак, партиявий лойиҳалар қайси-дир маънода ўзини оқляпти, дейиш учун етарли асослар бор.

Депутатлик назорати янада кучайтирилиши керак

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Озод РАЖАБОВ, «XXI asr»

O‘zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши раиси Олим Соибназаровнинг фикрича, семинарда Президентимизнинг қулай ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, фермерлик ҳаракатининг кенг қулоч ёйилишга хизмат қилувчи фармон ва қарорлари, хусусан, улар асосида яратилган имтиёз ва имкониятлар ҳақида кенгроқ маълумотлар берилгани айни муддао бўлди.

Чунки бундай маълумотларни електорат вакиллари-га етказиш, ана шундай муҳим ҳужжатларни кенг тарғиб этиш бугунги кундаги асосий вазифамиздир.

Тадбирларда 2013 йили маҳаллий кенгашлардаги O‘zLiDeP депутатлари томонидан 315 та назорат-таҳлил фаолияти амалга оширилгани, депутатлик гуруҳлари томонидан ижро ҳокимияти идоралари раҳбарларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларига доир 681 та эшитув ташкил этилгани яна бир бор танқидий таҳлил этилди. Шулардан 109 таси кишлоқ хўжалиги, 293 таси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, 182 таси касб-хунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликлари бўйича доимий иш билан таъминлаш ва қолган 97 таси бошқа масалаларга бағишланган. Эшитувлар якунига кўра, партиянинг Сайловли платформаси талаблари ҳамда електорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг доимий комиссияларига муҳокама этилган, счимини қутаётган масалаларга доир 898 та таклиф

киритилган. Энг муҳими, 606 таси доимий комиссиялар йиғилишларида кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинган.

Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сессиялари-га эса 372 та таклиф киритилган. Улар асосан ижро ҳокимияти идоралари раҳбарларининг муҳим масалалар юзасидан ҳисоботларини

давлат дастурларининг бажарилиши юзасидан ҳокимлар, уларнинг ўринбосарлари, ижро этувчи ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини нафақат сон, балки сифат жиҳатдан ҳам янги босқичга кўтариш керак.

Ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, бундай ҳисоботларни эшитиш кўпроқ умумий, яъни танишув ҳолатига эга бўлиб,

Очиқ мулоқотларда Касби туманидаги «Юрт ризқи» фермер хўжалиги раҳбари Насрулло Худойбердиев, Денов туманидаги «Хумоюн» фермер хўжалиги раиси Адҳам Мўминов депутатлик гуруҳлари фаолиятидаги ижобий омиллар қаторида айрим камчиликлар мавжудлигига эътибор қаратдилар.

эшитиш, амалдаги қонунлар, Давлат дастурлари ижросини ўрганиш ҳамда сўровлар юборишга қаратилган. Эътиборлиси, мазкур таклифларнинг 125 таси (шундан 44 таси вилоят кенгашлари) сессияларида муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган. Бундан ташқари, O‘zLiDeP Фарғона, Наманган, Тошкент ва Навоий вилоятлари кенгашлари томонидан ишлаб чиқилган 4 та дастур халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сессияларида тасдиқланиб, уларнинг ижроси юзасидан аниқ чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Аммо семинарда бу борадаги ишларни янада жонлантириш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш лозимлигига ҳам эътибор қаратилди.

Очиқ мулоқотларда Касби туманидаги «Юрт ризқи» фермер хўжалиги раҳбари Насрулло Худойбердиев, Денов туманидаги «Хумоюн» фермер хўжалиги раиси Адҳам Мўминов депутатлик гуруҳлари фаолиятидаги ижобий омиллар қаторида айрим камчиликлар мавжудлигига эътибор қаратдилар. Уларнинг айтишича, амалдаги қонунлар ижроси, тегишли

кўрилаётган масала бўйича кенгаш ёки доимий комиссиянинг позицияси аниқ белгилаб олинмаяпти. Ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилиб, тавсия этилган дастур ва ҳужжатлар кам қабул қилинапти. Шунинг учун ҳам 2014 йилда вакиллик ҳокимияти назорат ваколатларини амалга оширишнинг қонунда кўзда тутилган ҳуқуқий механизмларидан кенг фойдаланиш учун тегишли чоралар кўриш керак.

Хулоса қилиб айтганда, 2014 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларига сайловлар йили эканини инобатга олиб, депутатлик гуруҳларининг ўз сайловчилари олдида ҳисобот беришларини ташкил этиш, O‘zLiDeP ғояларини кенг тарғиб этишга устувор вазифа сифатида қараш лозим. Сайловларгача барча даражадаги вакиллик органлари депутатлигига номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари, партиянинг ваколатли кузатувчиларини тизимли тайёрлаб боришнинг самарали механизмни шакллантириш ҳам ўқув-семинарларнинг асосий мавзударидан бири бўлди.

ХАБАРЛАР

Турин эшиги катта очиқ

Тошкентдаги Турин политехника университетиде ушбу ўқув юртида тахсил олишни хоҳловчилар учун очиқ эшиклар кун и ўтказиладиган бўлди.

29 май кунига мўлжалланган тадбирда абитуриентларга университет фаолияти, таълим йўналишлари, ҳужжат топшириш тартиби ҳақида батафсил маълумотлар бериш кўзда тутилган.

Маълумотларга кўра, университетга 2014/2015 ўқув йилида жами 175 нафар («Машинасозлик технологияси» факультетига — 100, «Энергетика», «Саноат-фуқаролик қурилиши ва архитектура», «Ахборот технологиялари ва автоматлаштирилган бошқарув тизими» йўналишларига эса 25 нафардан) талаба қабул қилинади.

Кези келганда мазкур таълим муассасасига қирмоқчи бўлганлар 15 июнга қадар университет сайтида рўйхатдан ўтишлари, ўз навбатида ана шу рўйхатдан ўтмаган абитуриентларнинг ҳужжатлари қабул қилинмаслигини айтиб ўтиш лозим.

Қутиларни адаштириб юборманг



Пойтахтимиз кўчаларига чиқиндилар учун янги кўринишдаги қутилар ўрнатиле бошланди.

Таъкидлаш жоиз: янги контейнерларнинг ҳажми аввалгиларидан каттароқ бўлиб, улар чиқиндиларни саралаш имконини берувчи алоҳида бўлмалардан иборат. Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, биринчи навбатда пойтахт қиёфасига ижобий таъсир кўрсатиш максадида амалга оширилган ушбу чора-тадбирлар

бошқарма ишчиларининг меҳнатларини ҳам бирмунча енгиллаштиради.

Хабарларга кўра, ҳозирча тажриба тариқасида шаҳарнинг турли бурчакларига ана шундай контейнерларнинг 50 таси ўрнатилган бўлса, маълум вақтдан сўнг улар сони бир неча баробарга кўпайтирилади.

Ш.Хўжаев.

Бир ҳовуч дур

«Инсон кадр-қимматини одамлар наздида энг ёрқин акс эттирувчи кўзгу — меҳр-оқибатдир».

Р. ЭМЕРСОН.

«Инсонга уни ҳамиша юксакликларга чорлаб турувчи муҳаббат буюрилган».

А.ФРАНС.



БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

20 (548)-сон, 2014 йил 22 май, пайшанба

Тарозининг қай бир палласи оғир?

О'zLiDeP Андижон вилоят кенгаши танқиддан тегишли хулоса чиқариб, камчиликларни бартараф этиш учун бор имкониятни ишга соляпти

Бехзод ИСРОИЛОВ,
«XXI asr»

2013 йил 1 январь ҳолатига вилоятда 11410 нафар партия аъзосини бирлаштирган 485 та бошланғич таълим ташкилот фаолият юритган бўлса, айни пайтга келиб улар сони 554 тага етди.

Аммо водийнинг энг тез ривожланаётган ҳудудда 39278 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти, 6590 та фермер хўжалиги фаолият юритаётгани назарда тутилса, партиявий соҳада эришилган натижалар ҳали талаб даражасида эмаслиги аён бўлади.

О'zLiDeP Сиёсий Кенгашининг VII мажлисида бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, вилоятда партия фаолиятини кенгайтириш, ғоявий-сиёсий ишлар самарадорлигини оширишга етарли даражада эътибор қаратилмаётгани танқид қилинган эди.

Кўп ўтмай билдирилган танқидий фикр-мулоҳазалар асосида мавжуд хато ва камчиликлар бартараф этила бошланди. Жумладан, О'zLiDeP вилоят кенгаши қарорига асосан махсус ишчи гуруҳи тузилиб, тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари ва бошқа ташкилотларда учрашувлар, тadbирлар ўтказилиши. Уларга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, тадбиркорлар, фермерлар, иқтисодчи олимлар жалб этилди. Иқтисод фанлари доктори, халқ депутатлари Олтинқўл туман кенгаши депутати, «Олтинқўл олтин жилиси» фермер хўжалиги раҳбари А.Абдуллаевнинг фикрича, ана шундай учрашув, очик мулоқотлар чоғида партиянинг дастурий мақсадлари ҳақида кенг тушунчалар берилмоқда.

Мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан эса фикр-мулоҳазалар билдириляпти. Хусусан, ишчи гуруҳининг Шахрихон, Балқичи, Жалолқудук, Бўз, Избоскан, Пахтабод, Асака, Хўжабод, Олтинқўл туманлари, Андижон ва Хонобод шаҳарларидаги фаолияти хар жиҳатдан самарали бўлиб, дейиш мумкин. Ушбу жараёнда 1000 дан зиёд корхона ва ташкилот, тадбиркорлик субъекти ҳамда фермер хўжалиги, 300 га яқин таълим муассасаси ва маҳаллада тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилди. Айниқса, Балқичи туманидаги «Раҳимова Салодат» хусусий корхонаси, Бўз туманидаги «М.Жалилова» МФЙ, Андижон туманидаги «Классика шоис» МЧЖ, Олтинқўл туманидаги «Водий кўрки нури» фермер хўжалигида ўтказилган мулоқотларда тадбиркорлар ва ишбилармонлар, фермерлар учун яратиб берилган шароитлар, бу жараёнда О'zLiDePнинг роли, мақсади хусусида кенг маълумотлар берилдики, кўп ўтмай 1245 нафар фуқаро партия сафида бўлиш истатини билдирди. Натижада жойларда 69 та янги қуйи бўғин ташкил этилди.

— О'zLiDePнинг ғоя ва мақсадлари бизнинг интилишларимиз билан уйғундир, дейди Хўжабод туманидаги «Исломбек Жўраев» фермер хўжалигида ташкил этилган янги БПТ етакчиси Шавкат Омонов. Бундан буён ўз ваколатларимиз доираси-



да иш юритиб, эл-юрт ишончини қозониш, турли ҳаётий муаммоларни ҳал этиш учун куч-ғайратимизни аямаймиз.

Шунинг қайд этиш лозимки, учрашувлар ва очик мулоқотлар давомида билдирилган 98 та муурожаатдан 72 таси ишчи гуруҳи аъзоларининг савий-харақатлари билан ижобий ҳал этилди, айрим масалалар юзасидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари юборилди. Колаверса ўрғага ташланган таклиф ва тавсиялардан тегишли хулосалар ҳам чиқарилмоқда. Бу эса депутатлар, партия фаоллари диққатини муҳим ҳаётий муаммоларга янада кенгрок жалб қилиш имконини берапти.

Кези келганда депутатлик гуруҳлари фаолияти тобора жонланиб, партия таянч тузилмалари мавқеи мустаҳкамланаётганини ҳам таъкидлаш лозим. Ўтган қисқа вақт мобайнида маҳаллий кенгашлар депутатлари томонидан 31 та ташкилот ва идора мутасаддисига депутатлик сўровлари йўлланди. Уларнинг 16 таси бевосита БПТлар томонидан кўтариб чиқилган масалалар эканини қайд этиш жоиз. Бундан ташқари депутатлик гуруҳлари йиғилишларида 5 нафар мансабдор шахс ҳисоботи эшитилди, 17 та назорат-таҳлил текшируви ўтказилди. Турли мавзудagi 116 та муурожаатнинг 93 таси эса электорат вакиллари фойдасига ҳал этилди. Эътиборлиси, БПТлар ушбу жараёнда ҳам фаол иштирок этиб, сайловчилар билан депутатлар ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтаётди.

— Эришилган ютуқлар ўзимизники. Лекин мавжуд хато-камчиликлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди, — дейди вилоят партия кенгаши Мафқура ва тарғибот бўлими мудир, ишчи гуруҳи аъзоси Х.Халилова. — Масалан, Олтинқўл, Избоскан, Қўрғонтепа, Бўз, Пахтабод, Булоқбоши туман кенгашларида кадрларни танлаш, уларни жой-joyига қўйиш масаласига етарли даражада аҳамият берилмапти. Колаверса муҳим партиявий лойиҳаларни юзга чиқариш, истикболли кадрлар зах-

расини шакллантиришга панжа орасидан қаралаётгани ачинарли ҳолдир. Хусусан, ёшлар, аёлларга оид фаолиятимиз янада такомиллаштирилиши, айниқса, шу мавзудagi тадбирларда кўпроқ уларни қизиқтираётган масалалар, бу борала электорат вакиллари фикрини ўрганиш мақсада мувофиқдир.

Чиндан ҳам юқоридagi танқидий фикрлардан тегишли хулоса чиқарилгани, кейинги ойлар давомида жойларда 69 та янги БПТ ташкили этилгани яхши. Лекин бу гуруҳи вилоятда 46 мингга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият юритаётганини назарда тутсақ, бу борадаги ишларимиз дарёдан томчи экани аён бўлади. Нима бўлганда ҳам, айниқса, сайловлар йилида тарози палласини тўғри белгилаш, партиявий бурчага тўла масъулият билан ёндашиш биринчи даражали вазифа эканлигини унутмаслигимиз лозим.

О'zLiDeP

САЙЛОВЛДИ ДАСТУРИ (платформаси)дан



О'ZLIDEP МАМЛАКАТНИНГ ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАРАҚҚИЙ ЭТИШИДА ТАДБИРКОРЛИК СЕКТОРИНИНГ ҲАР БИР СУБЪЕКТИ МАНФААТДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР МАЖМУИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАВЕРАДИ. БУ ЭСА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН БОЗОРЛАРИДАГИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

МЕН — О'ZLIDEP АЪЗОСИМАН

Мақтабда ўқиб юрган кезларимда чет эллик тенгдошларимга юртимиз тарихи, муқаддас қадамжолари, улуг аждодларимиз, шунингдек, мустақил Ўзбекистоннинг салоҳияти тўғрисида ҳикоя қилиб беришни орау қилардим. Шунинг учун ҳам айни пайтда хорижий тилларни, жумладан, инглиз ва корей тилларини мукамал ўрганишга ҳаракат қилаям.

Колаверса, «Камолот» ЁИХ, шунингдек, О'zLiDePнинг «Ёшлар қаноти» томонидан ўтказилаётган турли тадбирларда мунтазам иштирок этайман. Хусусан, ўтган йили партиянинг «Агар мен депутат бўлсам...» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида голибликни қўлга киритдим. Жорий йилда эса «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасининг дастлабки босқичида биринчи ўринни эгалладим.

Унда «Соғлом бола йили» Давлат дастурига ҳамоханг тарзда ишлаб чиқилган гоям — тиббиёт соҳасига оид саволларга мобил алоқа орқали жавоб олиш имконини берувчи «Online doctor» деб номланган тизим билан иштирок этдим. Бундан кейин ҳам мазкур тизим бўйича ишлашни давом эттиришни мақсад қилганман. Қўзлаган мақсадларимга эришишда партия менга яқиндан ёрдам берапти.

Анасхон ИГАМОВ,
Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти факультети 1-босқич талабаси.



Солих ЗОИР олган сурат

Қариндошга қиз берманг

Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳридаги «Бекажон Ян» хусусий корхонаси бошланғич партия ташкилоти аъзолари ташаббуси билан Янгиер тиббиёт ва Янгиер касб-хунар коллежларида «Соғлом бола — баркамол ва аҳил оила меваси» мавзuida давра суҳбати ўтказилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Б.Бекжонов, партия вилоят кенгаши раиси ўринбосари Ш.Бозорбоева,



«Оила» илимий-амалий маркази худудий бўлимаси вакили С.Зуннунова, вилоят Фуқаролик суди раиси Х.Муллажонов ва бошқалар тўпланганларга «Соғлом бола йили» Давлат дастури, унинг мазмун-моҳияти, жойлардаги ижроси, шунингдек, эрта турмуш қуриш ҳамда қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари хусусида атрофлича маълумот бердилар. Мулоқотлар яқинда билдирилган таклиф ва тавсиялар умумлаштирилиб, ушбу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш юзасидан тегишли режалар белгиланди.

Ўз мухбиримиз.

Ёшлар масаласи — бош масала

Уқўрғон тумани Фермерлар кенгашида иш олиб бораётган бошланғич таълим томонидан «Таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш — долзарб масала» мавзuida очик мулоқот ташкил этилди.



Асосан фермер хўжаликларидаги қуйи бўғинлар етакчилари қатнашган мулоқотда давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган партиявий вазифалар хусусида сўз юритилди.

— Ҳадемай туманимиздаги академик лицей ва касб-хунар коллежларини 2009 нафар ўқувчи таъминлади, — дейди БПТ етакчиси Зулфияхон Низомова. — Улар учун янги иш ўринлари ташкил қилиш, иқтидорли ёшларни танлаш ва тарбиялашда фаол иштирок этиш партияимизнинг дастурий мақсадларидан биридир. Шу боис айни кунда академик лицей ва коллежларда тез-тез бўлиб, навқирон авлод вакиллари тадбиркорлик, фермерлик соҳасига жалб этиш юзасидан кенг тушунтириш ишларини олиб бораёмиз.

А.МУСУРМОНОВ.

Биргаликда биз кучмиз

О'zLiDeP Навоий шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида «Биргаликда биз кучмиз» шиори остида очик мулоқот ўтказилди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Фахриддин Солиев сўзга чиқиб, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асосида қабул қилинган янги қонунлар ҳақида маълумотлар берди.

— Сайловлар йилида кейинги беш йилда амалга оширилган ишларга сайловчилар томонидан баҳо берилади, — деди Ф.Солиев. — Маълумки, 2009 йилги сайловлардан кейин сайлов қонунчилигига бир қатор ўзгаришлар киритилди. Сиёсий партияларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайди. Натижада демократиянинг асоси бўлган кўппартиявийлик тизими янада мустаҳкамланиб, партиялараро кураш учун янада кенг сиёсий майдон яратилди.

Тадбирда, шунингдек, депутатларнинг партия билан ҳамкорлиги, сайловчилар томонидан билдирилаётган таклиф-мулоҳазаларнинг О'zLiDeP фракцияси томонидан қай даражада ўрганилаётгани, электорат муурожаатлари асосида олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам ахборот берилиб, тадбир қатнашчиларининг саволларига жавоб қайтарилди.

М.АСЛОНОВ.



2014 йил учун
ОБУНА
давом этмоқда!

Мурожаат учун телефон:

(8 371) 215-63-80.

e-mail: xdl_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

БИР ҲОВУЧ ДУР

«Вақт ақллироқ, яхшироқ, етукроқ ва мукамалроқ бўлиб етишишимиз учун бизга инъом этилган қимматбаҳо совғаидир».

Т. МАНН.

Мижоз манфаати йўлида

Ҳозирги кунда мамлакатимиз молия бозоридан муносиб ўрин эгаллаган «ASIA ALLIANCE BANK» очик акциядорлик-тижорат банки миждлар ишончини қозониш ва хизмат сифатини янада яхшилаш учун ўз фаолиятига янгича талаблар асосида ёндашмоқда

Мақсад пул-кредит муносабатларини янада такомиллаштиришдир. Хусусан, депозит сисётини намунали йўлга қўйиш туфайли аҳоли тушумлари беш бараварга оғиб, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига 36,1 млрд. сўмни ташкил этди. Бу эса банкнинг капиталлашув даражасини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар қўламини кенгайтириш, халқаро молия бозорларига чиқиш учун пухта замин бўлмоқда. Зеро барча соҳада макрониктисодий барқарорлиқни таъминлаш, инвестиция ва аҳоли жамғармаларини босқичма-босқич қўпайтириб бориш аини кундаги устувор вазифалардан биридир.

«ASIA ALLIANCE BANK» ОАТБ ҳозирда ўз миждларига 8 та минг банк, 9 та махсус касса орқали чакана хизмат турларини таклиф қилипти. Хусусан, аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилишни янада рағбатлантириш мақсадида миллий ва хорижий валютада, жозибадор фондларда 16 турдаги омонатлар жорий этилганлиги эътиборга моликдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу борада асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, миждлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва шакллантиришда уларнинг талаб-эҳтиёжларидан келиб чиқиб ёндашилаёттир. Бу эса банк хизматларига бўлган қизиқишни янада оширипти. Маана, бир мисол. Ўз хисобидан пул жамғаришни

истаган омонатчилар «Оила фаровонлиги» омонатидаги депозитга вақти-вақти билан маблағ қўйиб, яхшигина тушумга эга бўлишлари мумкин. Қолаверса «мавсумий дастур»лардан ўрин олган омонат турлари ҳам уларни бефарқ қолдираётгани йўқ. Ушбу омонатлардан олинадиган фойзли даромадлар ҳам оилалар фаровонлигини таъминлаш, уларнинг иқтисодий шарт-шароитини яхшилаш, дастурхон тўқинлигини таъминлашга хизмат қилаётганини кайд этиш ўринлидир.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг маънан етук, жисмонан бақувват инсонлар бўлиб улғайишлари учун барча чоралар кўриляпти. «ASIA ALLIANCE BANK» жамоаси ҳам ушбу хайрли ишдан четда қолаётгани йўқ. Хусусан, яқинда жорий этилган «Бахтли авлод» ҳамда «Ёшлик Альянс» омонат турлари миждлар учун аини мудоа бўлди, дейиш мумкин.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлашга муносиб хисса қўишнинг ўз олдига мақсад қилиб қўйган банк жамоаси янгидан-янги имкониятларни ишга солмоқда. Шу тарика миллий валютада «Баркамол авлод» ҳамда «Комфорт» тезкор омонат турлари жорий этилди. Улар турли мақсадларга йўналтирилган. Жумладан, «Баркамол авлод» омонати орқали олдиндан ҳисобланган фойзлар даволаш-соғломлаштириш марказлари, мактабга таълим муассасалари, ўқув курсларига тўловларни амалга ошириш учун ёхуд омонатчининг пластик картчакаларига ўтказиб берилиши мумкин.

Қолаверса миждлар банк-



нинг исталган филиали ёки минг-банкда ўз хисоб рақамларини очип имкониятига эга эканликларини айтиб ўтиш жоиз. Бу ердаги ахборот бурчакларида депозитлар бўйича керакли маълумотларни олиш, улар билан яқиндан танишиш ҳамда қиёслаш учун зарур шарт-шароит яратилган. Республикамиз ҳудудида банк омонатчилари сафи тобора кенгайиб бораётганлиги ҳам бежиз эмас.



Мухтасар қилиб айтганда, турмушимиз фаровонлиги, мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги банклар фаолияти билан ҳамбарчас боғлиқдир. «ASIA ALLIANCE BANK» жамоаси ҳам шунини назарда тутиб, хизмат сифати ва маданиятини тобора оширмоқда. Миждлар билан ишончли ва манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш эса янгидан-янги ютуқларга замин ҳозирлаёттир.



«Агробанк» ёрдами билан

Маълумки, пул-кредит муносабатларини замонавий асосда йўлга қўймай туриб, иқтисодий ислохотлар жараёнида қутилган натижага эришиб бўлмайди

«Агробанк» ОАТБнинг Сурхондарё вилояти бошкармаси жамоаси ҳам ушбу тамойилга катъий амал қилиб, соҳага оид қонунлар, тегишли меъёрий ҳужжатда белгиланган талаблар асосида миждларга хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини оширишга харақат қилаёпти.

Айтиш жоизки, банк сармояларининг асосий қисми аини пайтда аграр секторни изчил ва барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган замонавий қорхоналар барпо этиш, янги технологиялар ва усқуналарни амалиётга татбиқ қилиш ҳамда ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдирини, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтиришга йўналтириляптир. Бунинг самараси ўлароқ қишлоқ ҳудудларида янги тадбиркорлик субъектлари барпо этилиб, аҳоли ўртасида бандлик даражаси ошаяпти.

Хусусан, миждларга янги-янги банк хизматлари таклиф этилаётганлигини таъкидлаш жоиз. Бу эса аҳил жамоанинг меҳнат ва изла-нишларидан далолат беради.

— Замон шарофати билан қўшлаб имкониятларга эга бўлдиқ, — дейди Қумқўрғон туманидаги «Файз жило Қумқўрғон» хусусий қорхонаси раҳбари Абдулгани Қулратов. Бугун ҳалол меҳнат қилган одам асло кам бўла-

ётгани йўқ. «Агробанк» сармояларига таяниб, оиласи даромадига даромад қўшаётган тадбиркорлар сафи тобора кенгаймоқда. Банкнинг Қумқўрғон филиалдан 30 млн. сўм кредит олиб, мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бунинг натижасида 4 та янги иш ўрни ташкил этдик.

ларга бойлиги билан ажралиб туради. Ёзги мавсум олдидан дам олувчилар сафи янада кенгайиш қутилмоқда. «Агробанк»нинг Бойсун филиали шунини ҳисобга олиб, давола-ниш мақсадида зарур миждорда кредит маблағи ажратди. Шунинг ҳисобига 20 та қўшимча иш ўрни яратилиб,

Банк сармояларига таяниб, оиласи даромадига даромад қўшаётган тадбиркорлар сафи тобора кенгаймоқда.

Аини пайтда 5 хилдан зиёд мебель жиҳозлари тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилимоқда. Хали ўйлаган режаларимиз қўп. Уларни рўёбга чиқаришда «Агробанк» билан амалий ҳамкорлигимиз қўл келади, албатта.

Бойсун туманидаги Омонхона балнеологик даволаш маскани ҳам банкнинг доимий миждларидан саналади. Бу ерда оналар ва болалар саломатлиги йўлида хайрли ишлар амалга оширилимоқда. Хусусан, «Соғлом бола йили» да даволаш маскани ўз хизмат доирасини янада кенгайтираёттир. Юртимиз ҳудудида табиа-ат ином этган шифобахш масканлар қўп, албатта. Бироқ Омонхона маъданли сувлари инсон саломатлигига фойдалилиги, турли зарур элемент-

янги даволаш корпуси бунёд этилди. Ҳозирда пардозлаш ишлари олиб борилимоқда. Ушбу корпус фойдаланишга топширилгач, бир вақтнинг ўзига юз кишига тиббий хизмат кўрсатиш мумкин бўлади. Қолаверса, банк кредити ҳисобидан замонавий тиббий анжомлар ва мебель жиҳозлари харид қилинаётир.

Қисқа қилиб айтганда, «Агробанк»нинг Сурхондарё вилоят бошкармаси томонидан истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилиб, миждларга тезкор ва сифатли банк хизматлари кўрсатилмоқда. Бу эса аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, қундалиқ талаб-эҳтиёжларини қондиришда муҳим аҳамият касб этаёпти.

Ш.НАЗАРОВ.

ЭЪЛОН

Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган оммавий оферта савдосига таклиф этади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 майдаги 156-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги 27-сонли қарорининг 2-илоvasи билан тасдиқланган Низом, Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотишда тендер савдоларини ўтказиш Давлат комиссиясининг 2012 йил 21 майдаги 02-02-24-36-сонли йиғилиш баёнига мувофиқ қуйидаги давлат мулки сотилиш баҳоси пасайтирилган нархларда оммавий оферта савдосига чиқарилмоқда:

1. Тўртқўл тумани, Нукус қўчаси, 5-уйда жойлашган «Тўртқўл универсал савдо базаси» МЧКнинг 100 фойз давлат улуши — сотилиш баҳоси 1 457 115 605 (бир миллиард тўрт юз эллик етти миллион бир юз ўн беш миң олти юз беш) сўм.

Ўтказиладиган музокараларнинг асосий шартлари: — мажбур давлат мулки учун сотилиш баҳосидан кам бўлмаган миқдорда сотиб олиш тўловини таклиф этиш;

— тўловларни қисқа муддатларда амалга ошириш.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фойзидан кам бўлмаган миқдорда сотувчининг қуйидаги банк реквизитларига зақалат пулини тўлашлари лозим:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ягона ҳазна ҳисоб-варрағи;

Хисоб-варрақ: 23402000300100001010;

Олувчининг банки: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар ҳисоб-қитғо касса маркази ИНН: 201122919; Банк коди: 00014.

Қорақалпоғистон Республикаси рақобат қўмитаси ҳисоб-варрағи: 2004218603540100000000000001.

Тўғридан-тўғри музокаралар 2014 йил 24 июнь соат 11.00 да Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг мажлислар залида (манзил: Нукус шаҳри, А.Темур кўчаси, 112А-уй.) бўлиб ўтади.

Талабгорларнинг таклифларини қабул қилиш савдо ўтказилишидан ун қун олдин тўхтатилади. Ҳужжатлар дам олиш ва байрам кўнларидан ташқари ҳар қуни Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси (305-хона) томонидан қабул қилинади.

Манзил: 230100, Нукус шаҳри, А.Темур кўчаси, 112А-уй. Телефонлар: (8 361) 222-02-87; 222-02-83; 222-02-12.

Хўрматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдода қатнашиш учун ҳужжатларни топшириш ва савдоларни ўтказиш жараёнида қонунбузарликлар ва ўз ҳуқуқларингиз поймол қилиниши ёки ошқоралик таъминланмаганлиги ҳолатлари рўй берган тақдирда Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг 222-02-87 рақамли «ишонч телефон»лариға хабар қилишингиз сўралади. Хизматлар лицензияланган.

Намоз фермернинг янги режалари

Намоз Баҳромов етакчилиги қилаётган «Навбахор» фермер хўжалиги Муборак туманидаги қўп тармоқли хўжаликлардан бўлиб, бу ерда галла ҳамда пахтадан ташқари богдорчилик, чорвачилигу паррандачиликдан ҳам мўмай даромад олаёттир.

— 35 гектар ерда галла парваришляётган бўлсак, 18 гектар майдонга қадаган чигитимиз бир текисда униб чиқди, — дейди фермер. — Икки мингдан ортққ майда шохли ва 20 бошдан зиёд йирик шохли молимиз ҳам бор. Президентимизнинг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонидан келиб чиқиб, ўтган йилдан чорвачилиқни ҳам йўлга қўйдик. Бу йил охиригача Германиядан қизил-ола зотли 100 бош қорамол келтирмоқчимиз. Унгача барча қулайликларга эга бўлган молхонамиздаги таъмирлаш ишлари ҳам якунланади.

Хўжалик ихтиёрида бир гектарли бог бўлиб, бу йилдан бошлаб қурқачилик ҳам йўлга қўйилганини айтиш мумкин.

— Бунинг учун инкубатор ёки очилган курка жўжаларини қидирмадик. — дейди Н.Баҳромов.

— Бозордан 15 та курка сотиб олиб, боқа бошладик. Жонивор бир мавсумда уч марта жўжа очар экан. Бугунга келиб, улар сони 167 бошга етди. Йил охиригача 500 тага етказишни ният қилганмиз. Курка полонлари бироз нимжон, аммо касалликларга чидамли бўлар экан. Уларни яйловда боқамиз. Бу эса озуқа учун деярли харажат қилинмайди, дегандир.

Намоз

фермернинг янги режалари

Намоз Баҳромов етакчилиги қилаётган «Навбахор» фермер хўжалиги Муборак туманидаги қўп тармоқли хўжаликлардан бўлиб, бу ерда галла ҳамда пахтадан ташқари богдорчилик, чорвачилигу паррандачиликдан ҳам мўмай даромад олаёттир.

— 35 гектар ерда галла парваришляётган бўлсак, 18 гектар майдонга қадаган чигитимиз бир текисда униб чиқди, — дейди фермер. — Икки мингдан ортққ майда шохли ва 20 бошдан зиёд йирик шохли молимиз ҳам бор. Президентимизнинг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонидан келиб чиқиб, ўтган йилдан чорвачилиқни ҳам йўлга қўйдик. Бу йил охиригача Германиядан қизил-ола зотли 100 бош қорамол келтирмоқчимиз. Унгача барча қулайликларга эга бўлган молхонамиздаги таъмирлаш ишлари ҳам якунланади.

Хўжалик ихтиёрида бир гектарли бог бўлиб, бу йилдан бошлаб қурқачилик ҳам йўлга қўйилганини айтиш мумкин.

— Бунинг учун инкубатор ёки очилган курка жўжаларини қидирмадик. — дейди Н.Баҳромов.

— Бозордан 15 та курка сотиб олиб, боқа бошладик. Жонивор бир мавсумда уч марта жўжа очар экан. Бугунга келиб, улар сони 167 бошга етди. Йил охиригача 500 тага етказишни ният қилганмиз. Курка полонлари бироз нимжон, аммо касалликларга чидамли бўлар экан. Уларни яйловда боқамиз. Бу эса озуқа учун деярли харажат қилинмайди, дегандир.

ТАДБИРКОРЛАР, ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАМДА ФЕРМЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«XXI ASR» ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ

Президентимизнинг «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» номли маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар, долзарб вазифалар, айниқса, хусусий сектор вакилларини қўллаб-қувватлаш борасидаги масалалар ижросини таъминлаш ҳамда жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда фаол иштирок этиш мақсадида Сизларни қизиқтираётган саволлар юзасидан мутасадди идоралар вакиллари иштирокида тўғридан-тўғри мулоқотлар уюштирмоқда.

КАДРЛИ ФЕРМЕРЛАР, ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОН ЮРТДОШЛАР!

Очик мулоқотда фаол қатнашиб, қуйида номлари келтирилган ташкилот, муассаса мутасаддиларига ўзингизни қизиқтирган саволлар ва фаолиятингизга ҳалақат бераётган муаммолар юзасидан муурожаат қилишингиз мумкин.

Бутунги кунда тадбиркорликка, қишлоқ мулкдорлари фаолиятини кенгайтиришга қаратилган юқасқ эътиборга қарамай, айрим ҳудудларимизда соҳани жадал ривожлантиришга тўсиқ бўляётган масалаларнинг ижобий ҳал этилиши, шубҳасиз, юртимиз равнақи ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилади. Ўйлаймизки, тўғридан-тўғри мулоқотда кўтарилган мавзўлар тадбиркор ва ишбилармон юртдошларимиз, қишлоқларда етакчи қучға айланган фермерларни ҳам бефарқ қолдирмайди.

МАРҲАМАТ, ЁЗИНГ, ҚЎНФИРОҚ ҚИЛИНГ! МУРОЖААТЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ.

ОЧИҚ МУЛОҚОТГА:

Давлат солиқ қўмитаси, «Тадбиркор аёл» ассоциацияси, «Микрокредитбанк» ОАТБ раҳбарлари таклиф этилган.

Умид қиламизки, мулоқотга таклиф этилган мутасадди идоралар вакиллари тахририят ташаббусини қўллаб-қувватлаб, тадбиркор юртдошларимизни қизиқтираётган саволлар, улар фаолиятига оид ҳаётий масалаларни ҳал этиш учун вақт топадилар.

Олтинчи мулоқот 2014 йилнинг 6 июнида «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси тахририятида (Тошкент шаҳри, Нукус қўчаси, 73-А уйда) соат 16.00 да ўтказилади. Тадбиркор ва ишбилармонларнинг саволларига Давлат солиқ қўмитаси мутасаддилари жавоб қайтарadi.

Саволлар қуйидаги телефонлар орқали қабул қилинмоқда:

(+998 71) 281-40-17, 215-63-80. (+998 95) 194-83-95, 194-83-96.

Электрон почта: XXI_ASR@mail.ru

Жаҳоннинг энг кучли гимнастикачилари — Тошкентда!

Бугун Тошкент шаҳрида бадий гимнастика бўйича ўтказиладиган иккита мусобақа — Жаҳон кубоги босқичи ва «HAPPY CARAVAN» халқаро турнирига старт берилади

Шухрат ХЎЖАЕВ,
«XXI asr»

Халқаро Гимнастика федерацияси (FIG) шафелигида ўтказиладиган Жаҳон кубоги бахсларида Ўзбекистон, Хитой, Ж.Корея, АКШ, Чехия, ЖАР, Малайзия, Мексика, Россия, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Вьетнам, Исроил, Хиндистон, Италия, Козогистон, Киргизистон, Латвия ва Япония — жами йигирмата давлат шарафини химоя қиладиган 79 нафар спортчи ғолиблик учун курашади.

Жаҳон кубоги босқичида икки нафар гимнастикчимиз — Жамила Раҳматова ва Елизавета Назаренкова индивидуал бахсларда ингирок этса, миллий терма жамоамизнинг етакчи вакиллари жамоавий беллашувларда юкори ўринлар учун бахсга киришади. Ўз навбатида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган «Happy Caravan» халқаро турнирининг бу йилги мусобакаларида ўзбекистонлик, шунингдек, Хитой, АКШ, Россия, Чехия, Латвия, Озарбайжон ва Козогистон давлатидан келган жами 40 нафардан зиёд истеъодли спортчи-



лар ингирок этадилар. Хусусан, унда яқиндагина II Ўсмирлар ўртасидаги Олимпия ўйинлари — «Нанкин-2014» мусобакасида катнашиш ҳукукини қўлга киритган терма жамоамиз вакиллари жамоавий беллашувларда, Анаора Давлатова, Нилуфар Шомуродо-

ва ва Жасмин Юсунова каби истеъодли гимнастикчиларимиз эса яккалик дастурларида бош совринларни қўлга киритиш учун кураш олиб борадилар.

Шу ўринда Жаҳон кубоги босқичи бахсларини 2004 йилдан буён ўтказиб келаётган Ўзбекистон маз-

кур нуфузли мусобакага бешинчи мартаба мезбонлик қилаётганини айтиб ўтиш лозим.

Пойтахтимиздаги Гимнастика саройида бўлиб ўтадиган халқаро турнирларнинг очилиш маросими соат 19:30 га белгиланган.

«Соф Осиё асали» Қурганга жўнатилади

Сурхондарёлик тадбиркор Ойбек Сулаймонов июнь ойига қадар 4 мингтадан ортиқ асалари оиласини хорижлик ҳамкорларга етказиб берадиган бўлди. Зеро, маълум вақт илгари у Россиянинг Қурган областида фаолият кўрсатувчи асаларичиликка ихтисослашган фирма вакиллари билан бу борада келишувни имзолаган эди.

— Шартномага мувофиқ россиялик ҳамкорлар етказиб берилган асалариларнинг ҳар бир оиласи учун 13 доллару 74 цент ҳақ тўлайдиган бўлиши, — дейди «Соф Осиё асали» хусусий корхонаси раҳбари О.Сулаймонов. — Бугунгача улар ҳисобимизга 24 минг АКШ доллариға тенг маблаг, яъни 1750 та оиланинг пулини ўтказишди. Шу тариқа октябрь ойига қадар асаларилар сотувидан 60 минг доллар даромад кўришимиз кутиляпти.

«Сурхон тонгги» газатасининг хабар беришча, жами 20 нафар жумладан, 10 нафар мавсумий ишчи меҳнат қилаётган корхона жамоаси ўтган йили 4 тонна бол етиштириб, ушбу шифобахш маҳсулотни ички бозорда сотган. Натижада корхона 40 млн. сўм соф фойда кўрган.

Мана, баҳор фаслининг охириги ҳафталари ҳам нийҳоясига етмоқда. Гидрометеорология марказининг хабарига кўра, мамлакатимизда 22-29 май кунлари ўзгарувчан об-ҳаво кузатилиб, тоғли ҳудудларда ёмғир ёғиши, сел келиши хавфи бор.

Ҳарорат ўртача 23-28 даража илқ атрофида бўлади. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. 22 май куни эса унинг тезлиги 15-20 м/с гача кучайиши мумкин.

Республикаимизнинг Навоий, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё

вилоятларида ҳарорат кечаси +10...+15, кундузи +23...+28, ҳафта охирига бориб кечаси 17-22, кундузлари +30...+37 даражагача кўтарилиши кутиляпти. Фарғона водийси вилоятларида кечаси 10-15, кундузи 23-25 майда +23...+28, ҳафта охирига бориб +35 даражагача кўтарилади. Пойтахтимиз ва бошқа ҳудудларда термометр миллилари тунда +8...+13, кундузи +25...+30 даража атрофида бўлишни кўрсатяпти. Тоғли жойларда ёмғир пайтида момакалдиқ бўлиши эҳтимоли бор. Ҳарорат кечаси +5...+10, кундузлари эса +8...+13 даражадан +18...+23 даражагача кўтарилади.



ХАБАР

Пойтахт ҳайвонот боғида нима гап?



Мутахассисларнинг маълум қилишларича, 1997 йилда янги жойга кўчган Тошкент ҳайвонот боғида айни кунда 400 турга яқин уч ярим мингта жонивор парваришланяпти. Эътиборлиси, кейинги йилларда дунёнинг бошқа ҳайвонот боғлари билан йўлга қўйилган амалий ҳамкорлик мазкур маскандаги биохилма-хилликни кенгайтириш имконини бермоқда. Хусусан, 2009 йили Малайзия фаунаси вакиллари — Қизил китобга киритилган бируанглар (Малай айиқлари), шунингдек, бинтуронг («мушуксимон айиқ»), семиз лори (ўта секин ҳаракатланиши билан ажралиб турувчи сут эмизувчи жонивор), чўчақдумли макака, оққўлли гиббон ҳамда мандрил ва лангур каби мартишқалар (узун думли маймунлар) келтирилган бўлса, Россия ва Чехиядан турли хилдаги тўтиқушлар, кенгуру, шерлар, Патанония маралари (кемирувчиларга мансуб жонивор) ва сув ағамаси олиб келинди.

— Май ойи охирида Қора денгиз бўйида жойлашган Геленджик сафари-боғидан бир жуфт Ҳимолай айиги ва пума олиб келинади, — дейди Тошкент ҳайвонот боғи масъул ходими Феруза Мирсолиҳова. — Боғимизда катта бўлган, мушуксимонлар оиласига мансуб энг қадимги тур вакили — сурмаранг қоплон эса ҳайвонларни айрибашлаш келишувига кўра Геленджикка жўнатилади. Бундан ташқари яқин орада Исроилдан Нил тимсоҳлари, Германиядан эса ингичка бурунли маймунлар — гамадриллари олиб келишни кўзда тутганмиз.

БУ — ҚИЗИҚ

Битта бутерброд — 54 доллар

Таҳлилчилар энг қиммат сэндовичлар Женева шаҳрида сотилишини таъкидламоқдалар.

Hotels.com сайти томонидан ўтказилган тадқиқотларда ҳам Швейцариянинг ана шу шаҳрида нон ва гўштдан, помидор, салат ҳамда майонез қўшиб тайёрланадиган бутерброднинг ўртача нархи 40 доллару 83 центни (шаҳарда бундай сэндовичлар жойига қараб 54 доллардан ҳам сотилади) ташкил этади.

Мазкур рейтингнинг иккинчи поғонасини эса Париж шаҳри эгаллади. Франция пойтахтида бундай бутербродни тановул қилмоқчи бўлганлар ўртача 36,78 доллар тўлашлари лозим. Сэндовичлар 30 доллар атрофида сотиладиган Хельсинки (Финляндия) эса бу рўйхатда учинчи бўлди. Кучли ўнликдан эса Стокгольм, Осло, Лондон, Токио, Гонгконг, Рим ва Копенгаген шаҳарлари ўрин олган.



Менга пул керак эмас. Чунки...

Хитойнинг Харбин шаҳрида такси ҳайдовчи Чжао Лэй машинасида мижозлар томонидан қолдириб кетилган 170 минг юань (27 минг доллар) миқдоридagi пулни эгаларига қайтариб берди, дея хабар қилади The Daily Mail. Маълумотларга кўра, пулни таксининг орқа ўриндиғида унутиб қолдирган ёш йигит ва қиз шу куни ўзларига янги машина сотиб олиш учун автосалонга боришган. Эътиборлиси, хаёлпараст мижозлар инсофли ҳайдовчига мукофот сифатида 10 минг юань (1,6 минг доллар) бермоқчи бўлишган. Бироқ таксисчи таклиф қилинган рағбат пулидан воз кечиб, бор-йўғи ўз вазифасини бажарганини айтган.

РЕКЛАМА

ЗАЗ FORZA

Автомобили для жизни!

Автосалон в Ташкенте
тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99
ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХТ»)

www.sardor-avto.uz

Товар сертифицирован.

РЕКЛАМА

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банк (ОАЖ)

миллий ва хорижий валюталарда қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади

Миллий валютала:

«БАРАКАЛИ» — ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўланади.

«ИМТИЁЗЛИ» — ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал хизматлар ва бошқа тўловларга (газ, электр энергия, иссиқ ва совуқ сув, иситиш, истеъмол ва ипотeka кредитлари тўловлари, олий ўқув юртларида таълим олиш бўйича контракт тўловларига) йўналтирилади.

«СОҒЛОМ АВЛЮД» — омонатнинг сақланиш муддати 24 ой бўлиб,

ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Хорижий валютала:

«ШОДИЁНА» (АҚШ долларида) — омонатнинг сақланиш муддати 2 йил бўлиб, ҳисобланган фоизлар 1 йил ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРОда) — омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан бирга «Асака» банк (ОАЖ) миллий ва хорижий валюталарда қулай шартларда 90 турдаги омонатларни таклиф этади.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

ФИЛИАЛЛАР	КОД	ТЕЛЕФОН	ФИЛИАЛЛАР	КОД	ТЕЛЕФОН
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-78
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Сергели филиали	371	258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96	Афросиёб филиали	366	221-77-56
Асака филиали	374	233-13-69	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Фарҳод филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-12-37	Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Олтиариқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳукуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

«Асака» банк — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган.